


БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 86 (4077).

1 МАЙ
ПАЙШАНБА
1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.





## АССАЛОМ, МАЙ!

ЕР КУРРАСИНИНГ турли қитъаларида, турли мамлакатларда яшаб турган халқларнинг тарихида байрамлар жуда кўп бўлади. Ҳар қайси мамлакатнинг, ҳар бир халқ ёки миллатнинг ўз традицион байрамларидан ташқари шундай улуғвор ва беқиёс тантанавор айёмлар ҳам борки, улар инсонларнинг ҳаммаси учун умумий, ягона ва муштаракдир. Бутун дунё меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни — 1 Май ана шундай улуғ ва қутлуғ айёмлардан биридир.

Май байрами планетамизнинг ҳамма бурчакларида ҳар сафар катта шодиёналик ва завқ-шавқ билан нишонланади. Май тантанасининг яна бир характерли томони шундаки, у ҳамма мамлакатларда меҳнат аҳлининг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун кураши байроғи остида ўтади.

Май байрами фасллар келинчаги, гўзал ва оромбахш баҳор айёмида ўтади. Шу боисдан ҳам биз Май байрамини баҳор, меҳнат ва гўзаллик байрами деб атаймиз. Май жилваси ҳар гал баҳор латофати билан қўшилиб кетиб, ажиб бир манзара ҳосил қилади, кишилар қалбига олам-олам шодлик ва севинч бағишлайди.

Бутун тараққийпарвар инсоният, Советлар диёрининг ҳамма кишилари ва шу жумладан областимиз меҳнаткашлари ҳам бугун 1969 йилнинг 1 Май байрамини зўр қувонч билан нишонламоқдалар. Ҳамма ёқда баҳор ва май нашидаси кезмоқда. Шаҳарлар ва обод қишлоқлардаги умумхалқ шодиёнасида, яшил либосга бурканган кўм-кўк боғлар ва оромбахш водийларда, салобат билан қад кўтариб турган зумрад тоғлар ва баҳмал поёндоз тўшаган қир-адирларда, зилол сувлар шовқини ва алвон лолазорлар, хушбўй гулзорлар жилвасида — ҳамма-ҳаммасида бугунги шодлик ва қувонч намоён. Баҳор ўз сепини ёйиб, ҳаммаёқни гул ва кўкатларга безаб, май шодиёнасига ўзгача файз, ўзгача гўзаллик бахш этди.

Бу йилги Май байрами алоҳида бир вазиятда нишонланмоқда. У бутун мамлакат, бутун совет халқи Коммунистик партия раҳнамолигида улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига жуда катта ва қизғин тайёргарлик кўраётган улуғ кунларда ўтмоқда. Бу шонли юбилей шарафига ҳамма жойда меҳнаткашлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, жуда катта ютуқларни қўлга киритаётган кишилар ва алоҳида коллективлар сони тобора ортиб бораётир.

«Ленин юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олайлик!» — бу жанговар ва илҳомбахш шиорни ҳозир ҳамма жойда учратиш мумкин. Ҳар бир касб эгаси, ҳар бир мутахассис, ҳар қайси коллектив Коммунистик партия ва совет халқи тарихидаги бу шонли санага ўз меҳнат совғаларини тайёрлаш иштиёқи билан яшамоқда.

Областимизнинг саноат корхоналари, колхоз ва совхозлари, қурилиш майдонлари ва турли муассасаларида фидокорона меҳнат қилаётган кишилар 1 Май байрамини ишлаб чиқаришда улкан ютуқлар, қувончли натижалар билан кутиб олдилар. Кўпгина коллективлар ойлик ва квартал планларини ошириб бажардилар, пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқардилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш учун кураш деярлик ҳар бир коллективнинг кундалик вазифаси бўлиб қолди.

Колхоз ва совхоз далаларида ҳам шу долзарб кунларда иш қизғин. Фидокор ва лафзи ҳалол деҳқонларимиз бу йилги об-ҳаво қийинчиликларини мардонаворлик билан енгиб, кафтдек текис қилиб ишланган ерларга чигит экмоқдалар. Бугунги кунга келиб областимиз пахтазорларининг учдан икки қисмига барака уруғи қадаб бўлинди. Яқин кунлар ичида экиш ишлари тугалланиб, ҳосил нишонаси ҳам кўзга ташланиб қолади.

Азамат чорвадорларимиз ҳам ўзларининг бу йилги катта жасоратлари билан эл-юртнинг таҳсинига сазовор бўлмоқдалар. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароити чорвадорлар ишини ҳам оғирлаштириб юборди. Лекин шунга қарамай, улар халқнинг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, фидокорона меҳнат қилмоқдалар ва чорва маҳсулотларини кўпроқ етиштириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Совет социалистик жамиятимизнинг моддий кучлари ва маънавий бойликлари муттасил ўсиб, кўпайиб бораётир. Бизнинг қаҳрамон ишчилар синфимиз, азамат колхозчи-деҳқонларимиз, ҳамиша илғор ва доно зиёлиларимиз, СССРнинг ҳамма халқлари бир ёқадан бош чиқариб, ягона муштарак вазифани — мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш вазифасини шараф билан бажариш учун ўзларининг бутун куч-ғайратлари, қобилиятлари, ақл-заковатларини ишга солмоқдалар. КПСС XXIII съездининг тарихий қарорлари ва янги бешйиллик план топшириқларини муваффақиятли суратда амалга ошираётган совет халқининг меҳнат ютуқлари, коммунистик қурилиш йўлида қўлга киритаётган улкан зафарлари кун сайин кўпайиб боряпти.

Меҳнат, тинчлик, Май. Бу сўзлар ҳамиша ҳамоҳанг бўлиб, жаранглаб эшитилади. Совет кишилари қалбида ва онгида бу сўзлар маҳкам жойлашган бўлиб, янги коммунистик жамият ва фаровон ҳаёт рамзи сифатида чексиз қувонч ва шодонлик бахш этиб турибди.

Совет кишилари ва шу жумладан областимиз меҳнаткашлари ҳам 1 Май байрамини нишонлар эканлар, бу билан улар ўзларининг қардошларча бирлиги, дўстлиги, ҳамкорлиги, Коммунистик партия атрофига мустаҳкам жипслашганлигини яна бир бор намойиш қиладилар.

ИНСОНИЯТНИНГ баҳор байрами — Биринчи Май ер юзидаги ҳамма тараққийпарвар кишилар қалбида доимо тинчлик, меҳнат ва бахтиёрлик тимсоли сифатида яшайверсин!

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янгидан-янги ғалабалар сари олға!

## КАТТА ХИМИЯ ҚУРИЛИШИДА

ОЛМАЛИҚ. 29 апрель. (ЎзТАГ). Олмалиқ азот-фосфор ўғитлари заводида асосий асбоб-ускуналарни монтаж қилишга биринчи май арафасида киришилди. Йилига 800 минг тонна аммофос ишлаб чиқара оладиган технология комплексининг дастлабки аппаратлари йиғилиб, пойдевор устига ўрнатилди.

Қурама тоғларининг этагида ҳозирча заводнинг жимжимадор пўлат каркасларигина кўриниб турибди. Лекин умумхалқ қурилиши деб эълон қилинган бу иншоотда нақадар катта иш бошлаб юборилганлиги ҳозирнинг ўзидаёқ равшан бўлиб қолди.

Иккита асосий корпуснинг ҳар бири бир юз эллик метр жойни эгаллайди. Бу корпусларнинг бирида қоратов фосфорити мамлакатда биринчи марта қўлланиладиган экстракция усулида фосфор ўғитларига айлантириб берилади. Кейинги цехда унга азотли компонент қўшилиб, ҳосил бўлган тайёр маҳсулот қопларга жойлаб қўйилади. Завод энг самарали ўғит ишлаб чиқарадиган бўлади — унинг таркибида 46 процент фосфор ва 11 процент азот бўлади. Бунинг маъноси шуки, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига қўшимча равишда миллион центнерлаб пахта олинади.

Корхонани уч юз кун мобайнида қуриб битказишга қарор қилинган. Ана шу кунларнинг аввалгилари жуда машаққатли бўлди — мислсиз совуқда ишлашга тўғри келди. Ўша кунларда қилишга улгурилмаган ишларни қурувчилар билан монтажчилар биринчи май вахтаси кунларида бажармоқдалар.

Ҳозирги вақтда бир ярим норма иш бажариш кўпчилик қурувчилар билан монтажчиларнинг нормаси бўлиб қолди. Худди белгиланган муддатда, яъни шу йилнинг ўзида аммофос ишлаб чиқарила бошланади.

## МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Чирчиқ электр химия комбинатининг коллективи май олди социалистик мусобақасида катта муваффақиятга эришди. Бу йил химиклар колхоз ва совхозларга пландан ташқари ўн эшелон минерал ўғит жўнатдилар. Байрам арафасида Москвадан қувончли хабар келди: бу илғор корхонага СССР химия саноати министрлиги билан нефть ва химия саноати ишчилари касаба союзи марказий комитетининг Кўчма қизил байроғи бериладиган бўлди. Комбинат Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида сурункасига уч йилдан бери олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. (ЎзТАГ).

## ОНА ЕР МЕҲРИ

*Жуманиёз ЖАББОРОВ*

Ям-яшил тўнини ёпинган қирлар
Елга кўкрак бериб
Хушнуд товланар.
Қушлар сайроғида ажойиб сирлар,
Кўкда олтин қуёш
Шўх оловланар.
Она-ер баҳридан кўнглимда тўлқин,
Чексиз уфқларни чорлайди хаёл.
Қизғалдоқзор ёқмиш
Лоларанг ёлқин,
Толларнинг кокили эгилмиш тол—тол.
Майнинг тантанаси,
Майнинг қувончи
Қирмизи байроққа бергандай жило,
Олам мавжларига кўксимни очиб,
Сени табриклайман, меҳнаткаш дунё!
Қалбимда акс этар Ватаним кўрки,
Буюк орзуларнинг ҳақиқатидай.
Бу шундай азамат, беқиёс юртки,
Асрлар айланар дақиқасида.
Шу диёр ўғлиман,
Қалби чўғлиман,
Жаҳоний ташвишлар фикру туйғўмда,
Памирдай юксакман,
Нурдай тўғриман,
Қоним шуъласи бор алвон туғимда.
Тарих қадамларин ўлчар экан вақт
Ленин соатига тўғрилар ўзин.
Таъқиб этиб борар зулмларни бахт,
Тобора яшнатиб коинот юзин.
Дунайдан сув ичдим,
Гангда сув кечдим,
Вена-ю Жайпурда хаёлчан юрдим.
Офтобда қовжираб
Эрта-ю кечин —
Юк тортган ҳаммоллар даҳшатин кўрдим.
Йўқсиллар, мутелар фожиасидан
Юракка ларзалар тушаркан қат-қат
Олам ишларининг ножўясидан
Изтиробда ёндим ва бўлдим диққат.
Яхшиям дунёда борсан, Ватаним,
Таскинсан, ибратсан рўйи заминга.
Озодлик маскани,
Равшан чаманим,
Куйим бағишланур бахт байрамингга!

## ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 30 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — мавсум бошидан ва учинчи стун — бир кунда экилган чигит (процент ҳисобида).

| | | |
|---|---|---|
| Ўрта Чирчиқ | 86,3 | 6,7 |
| Оржоникидзе | 85,9 | 4,2 |
| Оққўрғон | 85,6 | 7,6 |
| Юқори Чирчиқ | 84,3 | 7,6 |
| Янгийўл | 82,7 | 4,9 |
| Бекобод | 46,2 | 8,4 |
| Бўка | 46,1 | 7,3 |
| Область бўйича | 69,6 | 7,1 |

